

Денгиз каби бўлинг!



15:00 / 21.12.2021 3850

Бир боланинг оёқ кийими денгизда йўқолди. Бола қирғоққа «бу денгиз ўғри», деб ёзиб қўйди.

Унинг яқинида бир овчи кўп балиқ овлади. У овчи қирғоққа «бу денгиз сахий», деб ёзиб қўйди.

Бир бола денгизда ғарқ бўлди. Унинг онаси «бу денгиз қотил», деб ёзиб қўйди.

Бир чол денгиздан кўп марварид тутди. У қирғоққа «бу денгиз жўмард», деб ёзиб қўйди.

Сўнгра бир баланд тўлқин келиб барча ёзувларни ювиб кетди. Ҳаёт давом этаверди.

Баъзиларни қанчалик уринма рози қила олмайсан. Агар уларга ўнта бармоғингни шам қилиб ёқсанг ҳам улар: «Нега бунинг нури паст?», дея нолишади. Агар улар учун тоғда нина билан чуқур ковласанг сенга: «Нега кечикдинг?», дея дағ-даға қилишади. Агар уларнинг йўлларини киприкларинг билан супурсанг ҳам сенга: «Бундан яхшироқ қилишинг керак эди», дея ўдағайлашади. Одамлар ўзи шундоқ. Олдин ҳам шундай бўлишган. Бундан кейин ҳам шундай бўлишади. Ўзингни қийнама.

Ҳамминг кўнглини олиш етиб бўлмас ғоядир. Бу йўлда ҳеч ким муваффақият қозонмаган, ҳатто пайғамбарлар ҳам. Атрофингдаги кишиларга қарасанг кўпчилигининг ҳатто Аллоҳдан ҳам норизо эканлигини кўрасан. Сендан қандай рози бўлишсин!

Қанчалик уринмагин бошқаларни ўзингни нусханга айлантира олмайсан. Хилма-хилликка ўзингни ўргат. Агар ҳаётга диққат билан назар солсанг унинг гўзаллиги ҳар-хиллигида эканлигини англайсан. Агар нарсаларнинг зидди бўлмаса унинг қиймати ҳам бўлмайди. Ҳақнинг гўзаллигини биз ботилнинг қабихлигидан англаймиз. Адолатнинг гўзаллигини зулмнинг қабихлигидан англаймиз. Тинчликнинг гўзаллигини уруш оловидан англаймиз. Бу дунё фикрлар, қарашлар ва йўналишлардан иборатдир. Ўз фикрингни хотиржам айт. Қарашларингни тушунтир. Истаганнингга ишон. Аммо муҳолифингга ўзингни қурбон қилиб юборма. Баъзи бир ихтилофлар бойликдир. Гоҳида биз ўзимизга ўхшаганлардан кўра кўпроқ муҳолифларга ҳам муҳтож бўлиб қоламиз.

Имом Заҳабий роҳимаҳуллоҳ ўзининг “«Сияру аъломин нубало» асарида имом Шофиъий роҳимаҳуллоҳнинг таржимаи ҳолини келтириб дейди:

«Юнус Содафий дейди: «Шофиъийдан ақллироқ инсонни кўрмаганман. Бир куни у киши билан бир масалада тортишиб келиша олмай қолдим. Кейин мени бир жойда кўриб қолиб Шофиъий деди: «Эй Абу Мусо! Бир масалада ихтилоф қилсакда, биродар бўлиб қолаверишинг тўғри эмасми?!»

Хусумат пайтида энг кучли раддия ҳақида ўйлама. Балки энг гўзал раддия ҳақида ўйла. Инсонларни эгаллаш ўрин эгаллашдан муҳимроқдир. Бир киши Холид ибн Валид розияллоҳу анҳуни сўқди. Холид розияллоҳу анҳу унга: «Саҳифа сеники, уни истаган нарсанг билан тўлдиравер!», деди.

Биз учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда ибрат намунаси бор. Тоифда инсонлар у кишини тошбўрон қилишди. Қонлари оқди. Бир жойда сояда ўтирганларида Жаброил алайҳиссалом бир фаришта билан келдилар ва дедилар: «Бу фаришта тоғларга вакил қилинган фаришта. Истасангиз мана бу икки тоғни буларнинг устига ташлайди». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жароҳатларидаги қонни артиб туриб дедилар: «Мен уларнинг наслідан Аллоҳга ибодат қиладиган инсонлар чиқишини умид қиламан!».

Туфайл ибн Амр розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб деди:

-Эй Аллоҳнинг Расули! Давс қабиласи ҳалок бўлди. Улар осий бўлиб Аллоҳдан юз ўгиришди!

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

-Аллоҳим! Давс қабиласини ҳидоят қил. Улар сабабли инсонларни тўғри йўлга бошла!

Денгиз каби бўлинг. Сиз ҳақингизда инсонлар гапирган ёмон гапларни ўчириб юборадиган ўчирғичингиз бўлсин. Манзилга етишмоқчи бўлган одам бироз ўзини билмасликка солиши керак. Агар сиз ҳақингизда айтилган ҳар бир гапга тўхтайверсангиз олдинга қараб бир қадам ҳам юра олмайсиз.

Инсонларнинг гапи йўлдаги чуқурга ўхшайди. Йўлда чуқур кўрсангиз унинг ичига тушмайсиз-ку! Унинг ёнидан ўтиб йўлни давом эттирасиз. Бу чуқурлар бизни мақсадимиздан чалғитмаслиги лозим. Чуқурга тушсак у ердан тоза ҳолатда чиқмаймиз. Баъзи бировларга раддия берсак энг аввало ўзимизга ёмонлик қилган бўламиз. Улардан тепароқда турайлик!

Абдулқодир Полвонов